

ЮЛДАШОВА Гулнора Баходировна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик
институтининг стажёр тадқиқотчиси

БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОН ШОШИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация. Мазкур мақолада XIX асрнинг охири – XX аср бошларида яшаб ижод этган тошкентлик табиб, шоир, фақиҳ, луғатшунос, рассом ва ношир Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший илмий меросининг ўрганилиши, хусусан, унинг тиббиётга оид асарларининг юртимиз илм-фани ва маданияти ҳамда ҳозирги замонавий медицинада қадимги табобат илмини ўрганишдаги муҳим аҳамияти каби масалаларга эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: Боситхон Шоший, тиббиёт, Ибн Сино, илмий мерос, Қонуни Боситий, истилоҳ, табдил.

Аннотация. В данной статье рассматривается наследие великого лекаря, поэта, художника, типографа из Ташкента, Боситхана ибн Захидхана Шаший, который жил и творил в конце XIX в начале XX века. Особое внимание в исследовании уделено на научный труд посвященный медицине, роль изучения его наследия в развитие науки и культуры нашей страны.

Ключевые слова: Баситхан Шаши, медицина, Ибн Сина, научное наследия, Кануни Басити, термин, транслитерация.

Annotation. This article presents the unique heritage of the great scientist, poet, artist, typographer from Tashkent, Bosithan Ibn Zohidkhan, who lived and worked in the late XIX and early XX centuries. The research work is devoted to the study of the cultural heritage of our country.

Keywords: Basitkhan Shashi, medicine, Ibn Sina, scientific heritage, Canon of Basiti, term, transliteration.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё минтақасида, гарчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий танглик ҳукм сурганлигига қарамай, илмий билимлар ривожига тўхтаб қолмади. Хусусан, халқ доимо эҳтиёж сезган табобат илми бу даврда ҳам аста-секинлик билан тараққий этди. Бунга шу даврда Тошкентда яшаб фаолият кўрсатган тошкентлик машҳур табиб – Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг илмий мероси мисол бўла олади.

Боситхон Шоший 1878 йили тошкентлик табиб Зоҳидхон ҳаким оиласида дунёга келади. У ёшлигиданоқ отасидан табобат илмини ўрганади. Боситхон ўзининг “Таржимаи ҳол ва хулосаи омор” номли мақоласида: “Отам мени етти

ёшлик вақтимдан бошлаб тибга оид китобларни ўқитиш билан тарбия қилган эди” деб ёзади.[1] Шунингдек, Боситхон Шошийнинг “Қонуни Боситий” асарининг 1-жилди бош саҳифасида библиограф олим А.Носиров томонидан ёзиб қўйилган уч бетли иловасида Боситхон Шошийнинг 1978 йилда туғилгани ва унинг отаси ҳам машҳур табиблардан бўлгани ҳамда табибнинг 1959 йил 22 майда 81 ёшида вафот этганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган.[2]

Боситхон табибнинг илмий меросини ўрганиш юртимиз илм-фани ва маданияти тарихини, хусусан, табобат тарихини тадқиқ қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Боситхон Шошийнинг, хусусан, тиббиётга оид асарлари ҳозирги замонавий медицинада қадимги табобат илмини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2995-сонли қарорининг[3] қабул қилиниши ҳам тадқиқотчилар олдида бирламчи манбалар асосида ўзбек халқи тарихини, хусусан табобат тарихини чуқурроқ ўрганиш учун бир қатор вазифалар қўйди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур тадқиқотда қадимги туркий ва араб тилидаги манбалар асосида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг илмий мероси ва унинг ҳозирги замон тиббиёти тарихидан тутган ўрнини ёритишга ҳаракат қилинади.

Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг билим доираси кенг серқирра олим бўлганлигини унинг айни замонда ҳам табиб, шоир, фақих, луғатшунос, рассом ва ношир сифатида фаолият кўрсатганидан ҳам билиш мумкин. Унинг илм аҳллари учун турли соҳаларга бағишланган илмий, таржима, шеърӣ, нашрий ҳамда кўплаб тиббий асарлари ҳамда тиббий асарлари учун ўзи тузган луғати ҳам мерос бўлиб қолганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Боситхон табиб ўтмишда араб ва форс тилларида ёзилган барча тиббий асарлардан бемалол фойдалана олган. Бундай асарлар унинг шахсий кутубхонасида мавжуд бўлган. У ўзининг “Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия” асарининг муқаддимасида ўнлаб машҳур табиблар ва уларнинг асарларини санаб ўтади ҳамда бу асарлардан ўз китобини ёзишда унумли фойдаланганлигини таъкидлайди[4] ва қуйидаги табибларнинг ва фойдаланган асарларнинг номларини келтириб ўтади:

Абу Али ибн Синонинг “Қонун” ва яна унинг “Адвия ал-қалбия” китоблари;

Ибн Байтор исми билан машҳур бўлган Моликийнинг “Жомий” китоби;

Шайх Юсуф Бағдодий (“Жомиъи Бағдодий”)нинг “Ма ла ясаъ ли-т-табиб жаҳлах” (“Табибнинг маъюслиги унинг билмаслигидандир”) номи билан машҳур бўлган “Тазкира”си;

Антокийнинг “Тазкирайи ули-л-асбоб” номи билан машҳур бўлган “Тазкирайи Антокий” асари;

Шайх Исмоил ибн Ҳайбатуллоҳнинг “Иршод” номли китоби;

Ибн Тархон номи билан танилган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммаднинг “Тазкират ас-сувайдия” китоби, яъни Боситхон табиб “Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия” асарининг муқаддимасида яна шундай маълумотни киритиб ўтган: “Бу маълумот “Кашф аз-зунун” муаллифи бўйича, шундай, бироқ “Махзан ал-адвия” соҳибининг сўзича, у Абу Райҳон Берунийники эканлиги англандур”;

Ҳаким Ҳожи Зайнуddин Атторнинг “Ихтиёроти Бадиъий” номли китоби;

Ҳаким Мир Муҳаммад Мўъмин Тунгонийнинг “Тухфат ул-мўминийн” номли китоби;

Ҳаким Мир Абдул Ҳамиднинг “Тухфат ул-мўминийн”га ёзган “Ҳошия”си;

Ҳаким Мир Муҳаммад Қосимнинг “Ихтиёроти Қосимий” номли китоби, Боситхон табиб юқорида келтирилган асар муқаддимасида яна шундай маълумотни киритиб ўтган: “Ул киши Фаришта демак ила машҳур ва Ҳиндушоҳ деган лақаби билан маълумдур;

Ҳаким Мир Муҳаммад Афзалнинг китоблари ва бошқа хил Ҳинд китоблари.

Боситхон Шошийга кўра: “Сўнги вақтлардаги халқ фойдалари учун ҳам бир фойда ва ёрдам берадиган асар қолдириш мақсадида 13 дона китоб ёздим, жумладан, 8 донаси босилиб чиқди, 6 таси ҳануз босилгани йўқ”[5]. Бу саккиз дона китоб 1917 йилгача босилган эди.

Ҳозирги кунда Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг қаламига мансуб қўлёзма, таржима ва 1917 йилгача Тошкентда чоп этилган нашрий асарлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.[6] Қуйида унинг фондда сақланаётган китоблари ҳақида қисқача маълумот:

“Қонуни Боситий” (“Боситхон Қонуни”) ёки “Қонун ал мабсут” (“Кенгайтирилган Қонун” 1942 йил) асарининг 1 ва 2-жилдлари (Инвентар рақами № 8921, 2-жилд Инв. № 8922);

Фарҳанг ал-Мабсут” (“Кенгайтирилган луғат”) ёки “Истилоҳот ул-атиббо фи-интифоот ил-аҳиббо” (“Дўстлар фойдаланиши учун тузилган тиббиёт терминлари луғати” 1944 йил. Инв. № 8923);

“Девони Ҳарикий” (“Ҳарикий девони” Инв. № 12372);

“Амали ҳандаса” (“Геометрия амаллари” таржима асар, Инв. № I. 11258);

“Муқаддимаи илми фароиз” (“Мерос тақсими илмининг муқаддимаси” таржима аср, Инв. № II. 11258);

“Фавоид ул-муслимин” (“Мусулмонларга фойдалар” бу китоб Имом Суйутийнинг “Анис ул-жалис” китобидан таржима қилинган, 1913 йил, Инв. № 12371, тошбосмаси ҳам бор № 594);

“Дўзд ва қози” (“Ўғри ва қози” таржима асар, 1907 йил, Инв. № 126 тошбосма);

“Ҳақойиқ ул-асрор” (“Ҳақиқатлар сири”) таржима асар, 1907 йил, Инв. № 664 ва № 6047 тошбосма);

“Ҳадиси Усфурий” ёки “Мисбоҳ ул-анвор” (“Нурли чироқлар”) таржима асар, 1910 йил, Инв. № 605 тошбосма);

“Манба ул-маъориф” (“Билимлар манбаи”) бу китоб “Мажмаъ ул-латойиф” китобининг таржимаси, 1914 йил, Инв. № 4021 тошбосма) каби асарлари сақланади;

“Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия” (“Дориларнинг фойдалари ва тузалган дастурхон овқатларининг манфаатлари” Инв. № 11256);

“Асомий ул-адвия ва-л-амроз” (“Дорилар ва касалликларнинг номлари”) Бу асар тугалланмаган, аммо катта ҳажмга эга бўлган қўлёзма нусхаси Шошийнинг набираси Тоҳирхон Боситхоновнинг қўлида сақланган. Кейинчалик бу асар тадқиқ қилиниши учун ЎЗР ФА Шарқшунослик институтига тақдим қилинган.

Шунингдек, Боситхон Шошийнинг “Қонуни Боситий” асарининг 1-жилди бошига библиограф олим А.Носиров томонидан ёзилган уч бетли иловада табибнинг “Мажмуаи ашъори Ҳарикий” (“Ҳарикий шеърларнинг тўплами”) ҳамда “Ҳадийат ус-сибён” (“Болаларга тухфа”) номли асарлари нашр қилинмаганлиги ва табибнинг ўғиллари қўлида сақланаётганлиги ҳақида хабар қилган.[7]

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Боситхон Шошийнинг илмий мероси таркибидаги тиббиётга оид асарлар ҳозирги замон тиббиётида қадимги табобат илмини ўрганишда муҳим ўрин касб этади. Юқорида биз унинг бир нечта тиббий асарларининг номларини келтирдик. Улардан энг машҳурларидан бири “Қонуни Боситий” асаридир. Табибга бу асарни ёзишда туртки бўлган масала, бизга маълумки, ўтмишда ўтган машҳур табиблар асарларининг араб ва форс тилларида ёзилганлиги ва ҳатто, уларга ёзилган шарҳлар ҳам шу тилларда бўлганлиги ҳамда ханузгача “Тиб қонунларининг” туркий тилга таржимаси ёки шархининг йўқлиги эди.

Шу боис ҳам Боситхон табиб 1940 йилларда кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб ва дўстларининг илтимоси билан “Тиб қонунлари”ни ўзбек тилида

ёзишга киришади. Бу пайтда ҳали ЎзР ФА ШИ олимлари Ибн Сино “Тиб қонунлари”ни таржима қилишга киришмаган эдилар. У Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарининг 1-жилди, яъни “Куллиёт” қисмини ўзбек тилига таржима қилиб, уни чуқур шарҳлаган. Бошқа табибларнинг табобатига оид фикрларини ҳам унга киритган. У Замонавий тиббиётни ҳам яхши билган бўлиб, қадимий табобатнинг ютуқларини тушунтиришда ўз замони тиббиётидан ҳам кенг фойдаланган ва 1942 йилда “Қонуни Боситий” (“Боситхоннинг тиб қонунлари”) ёки “Қонун ал-мабсут” (“Кенгайтирилган Қонун”) китобининг 1 ва 2-жилдларини ёзиб тугатади.[8] “Қонуни Боситий”ни ўзбек тилида ёзилган биринчи “Тиб қонунлари” деб аташ мумкин. Боситхон табибнинг “Қонуни Боситий” асарлари гарчи ўзбек тилида бўлса ҳам, уни тушуниш мураккабдир. Буни тушунган табиб асарларида учраган тиббий истилоҳларни йиғиб, 1944 йили луғат тузиб тугатади[9].

Шуни айтиб ўтиш керакки, Боситхон ибн Зоҳидхон 1917 йилгача амалда бўлган эски ўзбек тилидаги адабиётнинг йирик вакили эди. Унинг “Қонуни Боситий” асари, гарчи ўзбек тилида ёзилган бўлса-да, уни оддий китобхон тушуниши қийин. Сабаби, у қадимий табобатнинг амалий ва назарий қисмларини ўз ичига олган бўлиб, уни тўлиқ тушуниш учун, аввало, қадимий табобат асосларидан етарлича маълумотга эга бўлиши керак эди. Ўқиб тушуниш билан боғлиқ бўлган бундай муаммолар 2003 – 2004 йилларга келиб, т.ф.д. М.Ҳасаний томонидан ҳал этилди, яъни “Қонуни Боситий”[10] асарлари табдил этилди. Кейинроқ эса, кўплаб шифокорларнинг илтимоси билан М.Ҳасаний “Қонуни Боситий”ни замонвий ўзбек тилига таржима қилди. Ва унинг биринчи жилди нашр этилди. Натижада, китобдан фойдаланиш илм аҳлига енгиллик туғдирди.

Ҳозирги кунда Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг илмий мероси юзасидан маълумотлар айрим адабиётларда ўз аксини топган. Олим ҳақида дастлабки маълумотлар манбашунос олимлар А.Носиров[11] (1899-1987) ва Ҳ.Ҳикматуллаевларнинг тадқиқотларида келтирилади. Муаллиф ҳақида “Медицина”[12] ва “Точные и естественные науки” каталогларида табобатга оид учта асари ҳақида, геометрия ва фикҳга оид иккита асари ҳақида маълумотлар берилган. Мустақиллик йиллари бошида адабиётшунос олим проф. С.Ҳасанов томонидан “Ҳақойиқ ул-асрор” номли асари ҳамда тарих фанлари доктори М.Ҳасаний томонидан “Ҳадиси Усфурий” ёки “Мисбоҳ ул-анвор” (1993) асарлари табдил қилиниб, нашр қилинди.[13] Шунингдек, 2003 йилдан бошлаб тарих фанлари доктори М.Ҳасаний томонидан Боситхон Шошийнинг “Қонуни Боситий” (2003)[14], “Фарҳанг ал-мабсут” (2004)[15], “Фавойид ал-адвия ва мавойид ал-ағзия” (2007)[16], “Девони Ҳарикий” (2009)[17], “Қонуни Боситий. Даво тадбирлари” (2011)[18], “Қонуни Боситий.

Фаслга қараб овқатланиш ва кийиниш тадбирлари” (2011)[19], “Қонуни Боситий. Ҳомиладор ва эмизувчи аёллар ҳамда гўдакларни парваришлаш тадбири” (2011)[20], “Амали ҳандаса” (2012)[21] каби асарлари табдил қилиниб, нашр этилди. Шунингдек, Адабиётшунос олим проф. С.Ҳасанов томонидан эса “Фавойид ул-муслимин”(2004)[22] номли таржима асари чоп этилган.

Булардан ташқари, 2014 йил Боситхон Шошийнинг (652 бетли) “2073 хил доривор модданинг тиббий ҳосиятлари” номли китоби “Турон замин зиё” нашриётида чоп қилинди. 2016 йил Боситхон Шошийнинг “Мисбаҳ ул-анвор”, “Манба ул-маориф”, “Муқаддимаи илми фароиз” номли китоби Ғофур Ғулом нашриёти – матбаа уйида нашр қилинди. 2018 йил (456 бетли) “Табобатимиз Ҳазинасидан. Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий I” номли китоби “Ўзбекистон” нашриётида нашр қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг илмий мероси ва унинг XIX аср охири – XX асрдаги шарқ табobati тарихидан тутган ўрни юзасидан ҳозиргача маҳаллий тадқиқотчилар томонидан қисман ўрганилган бўлса-да, Боситхон Шоший табобатининг ҳозирги тиббиётда тутган ўрни юзасидан яхлит иш қилинмаган. Шунингдек, Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг илмий ва адабий меросини тадқиқ қилиш XIX аср охири XX асрдаги шарқ табobati тарихини ёритишга, даволаш усуллари, тиббий истилоҳ ва атамалар маъносини ўрганишга кўмак бера оладиган илмий мерос сифатида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқган ҳолда, биз кейинги мақолаларимизда унинг ана шу томонларига қаратамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. “Қонуни Боситий: Ҳомиладор ва эмизувчи аёллар ҳамда гўдакларни парваришlash тадбири”. Табдил, луғат ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. М.Ҳасаний. – Т.: Turon Zamin Ziyο, 2011. 3б.
2. ЎзР ФА ШИ фонди. Инв. № 8921. / I (قانون المبسوط (قانون باسطى) – А.Носиров, Илова–2-3б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 й. 25 май. – № 103 (6797).
4. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия”. Табдил ва сўз боши муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Фан, 2007. 9б.
5. “Қонуни Боситий: Ҳомиладор ва эмизувчи аёллар ҳамда гўдакларни парваришlash тадбири”. Табдил, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. –Т.: Turon Zamin Ziyο, 2011. 3б.
6. Ўша асар, 4б.
7. ЎзР ФАШИ фонди. Инв. № 8921. / I (قانون المبسوط (قانون باسطى) – А.Носиров, Илова –1б.
8. “Қонуни Боситий: Ҳомиладор ва эмизувчи аёллар ҳамда гўдакларни парваришlash тадбири”. Табдил, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Zamin Ziyο, 2011. 4б.
9. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Фарҳанг ал-мабсут”. Табдил, ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Янги авлод, 2007. 5б.
10. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий”. Табдил, изоҳ ва луғатлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Янги авлод, 2003. 1-жилд. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий”. Нашрга тайёрловчи, табдил, сўз боши, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. 2-жилд.
11. ЎзР ФА ШИ кўлғезмалар фонди. 8921 рақамли кўлғезмасида А.Носировнинг чоп этилмаган мақоласида маълумот бор.
12. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Медицина / Составители: кандидат филологических наук Х.Хикматуллаев, кандидат химических наук С.У.Каримова. – Т.: Издательство народного наследия имени Абдуллы Кадыри, 2000. №146, 147. 63-64с.
13. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Амали ҳандаса”. Нашрга тайёрловчи, табдил, сўз боши, муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: O’qituvchi, 2012. 5б.
14. “Қонуни Боситий” юқоридаги адабиётлар рўйхатида келитирилди.

15. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший, Ҳомидхон ибн Зоҳидхон Шоший. Фарҳанг ал-мабсут”. Табдил ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
16. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Фавоид ул-адвийя ва мавоид ул-ағзийя”. Табдил ва сўз боши муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Фан, 2007.
17. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Девони Ҳариқий”. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Фан ва технология, 2009.
18. “Қонуни Боситий: Даво тадбирлари”. Луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Zamin Ziyo, 2011.
19. “Қонуни Боситий: Фаслга қараб овқатланиш ва кийиниш тадбири”. Луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Zamin Ziyo, 2011.
20. “Қонуни Боситий: Ҳомиладор ва эмизувчи аёллар ҳамда гўдакларни парваришlash тадбири”. Луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Zamin Ziyo, 2011.
21. “Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Амали ҳандаса”. Нашрга тайёрловчи, табдил, сўз боши муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: O’qituvchi, 2012.
22. “Боситхон ибн Зоҳидхон Ҳаким. Жавоҳир ул-ҳикоя”. Тўплаб, нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 2004.